




**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ “ МИЛЛИЙ ҒОЯ , МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ
ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ “ ЙУНАЛИШИ**
401-гурӯҳ талабаси Абдусамидов Азиз нинг

REFERAT

**МАВЗУ:И.А.Каримовнинг мустақил Ўзбекистонни сиёсий,
иқтисодий, маънавий ривожини таъминлаш бўйича яратган
тадқиқотлари ва маърузаларида бугунги кун умумбашарий
муаммоларига муносабати ва борлик ҳақиқатига янги
ёндошувларнинг намоён бўлиши.**



Илмий раҳбар:_____Т.Юсупов.

Кафедра мудири:_____М.Собирова

Тошкент-2013

И.А.Каримовнинг мустакил Ўзбекистонни сиёсий, иқтисодий, маънавий ривожини таъминлаш бўйича яратган тадқиқотлари ва маърузаларида бугунги кун умумбашарий муаммоларига муносабати ва борлик ҳақиқатига янгича ёндошувларнинг намоён бўлиши.

РЕЖА:

Кириш:

II-боб И.А.Каримовнинг мустакил Ўзбекистонни сиёсий, иқтисодий, маънавий ривожини таъминлаш бўйича яратган тадқиқотлари.

1. Ўзбекистоннинг иқтисо ва сиёсатининг устувор йўналишлари.
Иқтисодиётни эркинлаштириш - фаровонлик пойдевори
2. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг маънавият масалаларига эътибори

III-боб: И.А.Каримовнинг маърузаларида бугунги кун умумбашарий муаммоларига муносабати ва борлик ҳақиқатига янгича ёндошувларнинг намоён бўлиши.

1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари
2. Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағъишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

Хулоса:

Фойдаланилган адабиётлар

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги инсоният тарихида янги даврни бошлаб берди. Тоталитаризм, маъмурий-буйруқбозлик ва зўравонлик ғояларига таянган социализм барбод бўлди. Миллатчилик, ирқчилик, фашизм ғояларининг давоми бўлган коммунизм мафкураси инқирозга учраб, мустамлакачиликнинг сўнгги кўрғонлари кулади. Башарият тақдирида инсон ва жамиятни озод этишнинг янги босқичи, ялпи янгиланишлар жараёни амал қила бошлади. Бундай тарихий ўзгаришлар дунё иқтисодий, маънавий ҳамда ижтимоий-сиёсий жараёнларининг илгари мисли кўрилмаган кенг миқёсли янгиланишлар палласига кирганлигининг равшан ифодасидир.

Умумжаҳон янгиланишлар жараёни аввал муайян мамлакат, кейин бир гуруҳ давлатлар, айти чоғда эса барча мамлакатлар тақдирига, жамиятлар ва жамоалар, алоҳида инсонлар ҳаётига бевосита ва билвосита таъсир кўрсата бошлади. Дунё янгиланишлари жараёнига ҳар бир давлат ўз тараққиёт кўлами, илмий-маърифий ва маънавий савияси, камолоти даражасидан келиб чиққан ҳолда кириша бошлади. Инсоният тарихий тараққиётининг цивилизациялашган даври тажрибаси бирон бир жамиятнинг эзгу ғоялар ва мафкурасиз ривожлана олмаслигини тасдиқлади. Ўз ўрнида Ўзбекистоннинг ҳозирги даври, бундан кейинги тараққиёти ва истиқболи ҳамда мустақиллигининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маърифий-маънавий заминларини яратиш ва мустаҳкамлаш учун кучли ғоя сув ва ҳаводек зарур эканлигини бугунги кунда мамлакатимизда ва ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар мисолида кўриб турибмиз.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ялпи янгиланишлар, миллий ғоя шаклланишининг назарий-методологик асослари бевосита Президент Ислон Каримов асарларида, нутқ ва маърузаларида, суҳбат ва интервьюларида илмий-назарий жиҳатдан чуқур таҳлил этилган.

И-боб И.А.Каримовнинг мустакил Ўзбекистонни сиёсий, иқтисодий, маънавий ривожини таъминлаш бўйича яратган тадқиқотлари.

1. Ўзбекистоннинг иқтисо ва сиёсатининг устувор йўналишлари. Иқтисодиётни эркинлаштириш - фаровонлик пойдевори

Ўзбекистонни жаҳонга намоён қилиш, ахборот ва иқтисодий жихатдан четлаштириш ҳолларига барҳам бериш, жаҳон ҳамжамиятининг бошқа мамлакатлари қаторида тенг бўлиб олиш сари интилиш йиллари бўлди.

Мустақилликнинг икки йили - кўҳна тарихимизни, тарихда бизга ажратилган ўрнимизни чуқур англаш йиллари бўлди. Бу йиллар шу ҳолатларнинг сабабларини мафкуравий ақидалардан холи равишда, ақл-идрок билан таҳлил қилиш йиллари бўлди. Энг муҳими, мустақилликнинг дастлабки йиллари ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимизни собитқадамлик билан излаш, Ўзбекистонни эркин, қудратли ва гуллаб-яшнаётган мамлакатга айлантириш йўлидаги интилиш даври бўлди. Бу даврда биз ўзлигимизни англаш йўлида улкан қадам қўйдик, ўзимизнинг тарихий йўлимизни танлаб олдик.

Ҳаётимизни, жамиятимизнинг асосий тамойилларини ва давлатимизнинг сиёсий-ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий тузилмаларини ҳал қилувчи, умуминсоний кадриятларга асосланган, эркин демократик келажагимизни аниқ белгилаб берган Асосий Қонун - Конституциямизни қабул қилдик. Биз иқтисодни ҳар хил сиёсий мафкурадан устун қўйиб, шу соҳада бўлган муаммоларни ҳал қила бориб, ижтимоий барқарорликни таъминлаяпмиз. Бутун жамиятимизни янгилаш асосини ва инсон учун муносиб шарт-шароитлар яратаяпмиз. Иқтисодий ислохотларни ўтказишга янгича ёндошувларни ҳаётнинг ўзи тақозо этаяпти. Иқтисодий ислохотлар моҳиятини чуқурроқ идрок этиш, уларнинг ҳаётий зарурлигини аниқ-равшан англаб етиш лозим. Республикадаги ҳар бир раҳбар, ҳар бир ходим, илғор фикрловчи ҳар бир одам ислохотлар ғояси билан яшаши лозим.

Шундай шароитда иқтисодий дастуриимизнинг устувор йўналишларини яна бир бор аниқлаб олиш зарурати туғилади. Бор ҳақиқат шундайки, бу босқичда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бир вақтнинг ўзида, бирдан ҳаммасини ҳал қилиш мумкин эмас.

Шу сабабли ислохотларнинг йўналишларини белгилаб олиш вақтида шундай асосий бўғинларни топиш муҳимки, уларнинг ёрдамида яқин давр ичида муаммоларнинг бутун мажмуини ҳал этиш мумкин бўлади. Уларнинг кўпини биз сизлар билан бир неча маротаба муҳокама қилгандик. Айни пайтда уларнинг ҳаммасини бир-бири билан ўзаро узвий ҳолда боғлаб, кўриб чиқиш жуда муҳимдир.¹

Хўш, бугунги кунда республика иқтисодий дастурининг моҳиятини

1. ¹Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

ташкил этувчи энг асосий устуворликлар ва йўналишлар нималардан иборат?

Биринчидан, бозор муносабатларига ўтиш - иқтисодий дастуримизнинг асосий мазмунини ташкил этади. Бизнинг принципларга мувофиқ бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш керак. ²Авваламбор, ўзини оқламаган маъмурий-буйруқбозлик бошқарув принципларидан, ўта марказлаштирилган тақсимлаш системасидан, шаклланган текисчилик ва боқимандачилик психологиясидан қатъиян воз кечиш лозим.

Бозор муносабатларига ўтиш инсоннинг ижодий ва меҳнат салоҳиятини намоён қилишга, боқимандаликни бартараф этишга, йўқолиб кетган эғалик туйғусини қайта тиклашга имкон беради. Фақат бозоргина маҳсулот ишлаб чиқарувчининг ҳукмини бартараф этиб, республиканинг ғоят катта бойликларидан самарали фойдаланишни таъминлай олади.

Шу борада бугунги босқичда олдимизда турган энг муҳим масалалар:

биринчидан, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўли, янги пайдо бўлаётган нодавлат, яъни ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган ва аҳолига хизмат кўрсатаётган хусусий, акционерлик, коллектив ва бошқа корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан аралаш, кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантиришдир;

иккинчидан, нарх-наволарни босқичма-босқич эркинлаштириш, монополияга қарши қаттиқ сиёсат ўтказиш, давлат корхоналарининг фаолиятини тижоратлаштириш ҳисобига рақобат муҳитини вужудга келтириш;

учинчидан, бевосита хўжалик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш, товарлар, сармоя, иш кучи ва бошқа бозорларни шакллантириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш, бозор инфраструктурасини вужудга келтириш, бозор шароитида ишлай оладиган малакали кадрлар тайёрлашдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш биринчи навбатда ҳаётимизда, иқтисодиётимизда барқарорликка эришиш билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун ҳам иқтисодиётни, молиявий аҳволни барқарорлаштириш - иқтисодий ислохотларимизни амалга оширишнинг муҳим шартидир.

Иқтисодиёт барқарор ишлагандагина бозор муносабатларига муваффақиятли ўтиш мумкин. Ҳозирги вазият тангликни бартараф этиш ва пулнинг қадрсизланишини жиловлашни тақозо этмоқда. Аҳолининг турмуш даражаси кескин ёмонлашувига йўл қўймаслик керак. Бунинг учун тезкорлик билан, қаттиқ, баъзида кўпчиликка хуш келмайдиган чоралар кўрилиши зарур. Иқтисодиётни барқарорлаштириш - бозорни шакллантириш йўлидаги қонуний ва муқаррар босқичдир. Биз иқтисодиётни барқарорлаштира бориб, бозор муносабатларини нормал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтирамиз.

Амалда бу соҳа ҳозир ривожланмаган. Республикамизда халқ

3. ²Каримов Н. Инвестицион фаолиятни қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришдаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари. /Иқтисодиёт ва таълим. 2011 й., 5-сон.

хўжалигида банд бўлганларнинг атиги 8 фоизи маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ишлайди. Хизмат кўрсатиш соҳаси тегишлича ташкил қилинган тақдирда эса, қишлоқдаги барча хоҳловчиларни иш билан таъминлай олади. Натижада, қишлоқнинг қиёфасини, қишлоқ турмуш маданиятини, одамларимизнинг ҳаёт даражасини тубдан ўзгартириб юборади.

Суғорма деҳқончилик саноатида асосий бойлигимиз бўлмиш ерга муносабатни ўзгартириш биз учун устувор йўналишлардан биридир. Ерларнинг мелиоратив ҳолатига доимо катта эътибор берилмоғи лозим. Агар биз шундай қилмасак, истикболимиздан маҳрум бўламиз. Айтиб ўтилган устувор вазифаларни рўёбга чиқариш биз учун принципиал янги бўлган иқтисодий муносабатларни жорий этишга, маърифатли тараққиёт йўлига ўтиб олишга имкон беради. Айни пайтда иқтисодий мустақилликка эришишдек ниҳоятда муҳим вазифа ҳам шу муаммоларни ечиш билан боғлиқдир. Вазиятни барқарорлаштиришнинг ғоят муҳим бўғини аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашдир. Чинакам иқтисодий мустақилликка эришиш республикада озиқ-овқат муаммосини тубдан ҳал қилишни тақозо этади. Биз қулай табиий иқлим шароитларига эгамиз. Аммо истеъмол қилинаётган қанд-шакар, сут маҳсулотлари ва болалар овқатининг ҳаммасини, доннинг 70 фоизини, гўшт, сут маҳсулотлари ва картошканинг 50 фоиздан кўпроғини четдан келтиришга мажбур бўляпмиз. Бунга йўл қўйиш мумкинми, ахир?

Бундай кечириб бўлмайдиган қарамликни тугатиш йўлида ғоят қатъий қадамлар қўйиш талаб қилинади. Бу иқтисодий аҳамиятгагина молик эмас, балки сиёсий аҳамиятга ҳам эгадир. Экспортни кенгайтириш билан бирга импортнинг салмоғини қисқартиришга қаратилган сиёсатни изчиллик билан ўтказамиз. Ўзимиз ишлаб чиқаришимиз мумкин бўлган товарлар ва маҳсулотлар четдан келтирилишини мумкин даражада камайтириш зарур. Шунинг учун асосий эътибор озиқ-овқат маҳсулотлари ва ресурсларни четдан олиб келишни камайтиришга қаратилмоқда. Бунинг ўрнига серхосил экин навлари уруғлари ва уларни етиштириш бўйича саноат технологияси керак. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ҳақида ўйламоқ зарур.

Инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш ислохотларимиз стратегиясининг жуда муҳим шартидир. Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, экспорт имкониятини кенгайтириш соҳасида белгиланган йўналишлар кучли инвестиция сиёсатини ўтказиш билангина рўёбга чиқади. Мана шу устувор вазифани амалга ошириш учун қуйидагилар талаб қилинади:

биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш борасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат ўтказиш зарур. Товарларни экспорт ва импорт қилишда хорижий сармоядорлар ўз даромадларидан эркин фойдаланишларида бирмунча имтиёзли тартибни жорий қилмоқ керак; иккинчидан, хорижий сармояларни, асосан бевосита капитал маблағлар тарзидаги сармояларни республика иқтисодиётига кенг жалб этиш учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни янада такомиллаштириш лозим;

учинчидан, Ўзбекистонга жаҳон даражасидаги технологияларни олиб

келадиган, халқ хўжалигининг замонавий структурасини вужудга келтиришда ёрдам берадиган хорижий сармоядорларга нисбатан очик эшиклар сиёсатини ўтказиш зарур;

тўртинчидан, маблағларни энг устувор соҳаларга - республика мустақиллигини таъминлайдиган аграр секторни, ёқилғи-энергетика комплексини ҳамда бошқа базавий тармоқларни ривожлантиришга, рақобатга қодир, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга сарфлаш керак!

Республикада қисқа вақт мобайнида 7600 та янги хусусий, 1300 та ижара, 460 та акционерлик ва бошқа давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналар ташкил қилинди.

Маҳаллий саноатда, савдо, умумий овқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатишда кичик хусусийлаштириш жараёни 1993 йилнинг охиригача тугайди. Матлубот кооперацияси, мева-сабзавот саноати тизимида хусусийлаштириш ишлари олиб борилаяпти. Ҳозирги вақтгача "Маҳаллий саноат" корпорацияси тизимида 200 дан ортиқ корхона, "Ўзбексавдо" уюшмасида 3 мингтага яқин, "Ўзбекбирлашув"да салкам 4 мингта корхона, "Ўзмаишийхизматуюшма" тизимида эса 5 мингтадан кўпроқ объект қайта ташкил қилинди. Умуман 15 мингтадан кўпроқ корхона нодавлат мулкчилик шаклларига, шулардан 10500 таси ёки салкам 70 фоизи хусусий ва оилавий мулкчилик шаклига айлантирилди. Кичик ва ўрта корхоналарни хусусийлаштириш билан бир қаторда йирик саноат корхоналари, қурилиш комплекси ва юк транспортини акционерлаштириш ишлари авж олиб кетди.

Тошкентда давлат уй-жой фондини хусусийлаштиришга оид тажрибани ҳисобга олиб, бу жараён бутун республикада авж олиб кетди. 900 мингтага яқин квартира хусусийлаштирилди. Бу эса хусусийлаштирилиши лозим бўлган уй-жойлар умумий ҳажмининг 82 фоизини ташкил қилади. Бунда фахрийларга, ўқитувчиларга, тиббиёт ходимлари, ижодий ва илмий ходимларга 300 мингтадан кўпроқ квартира бепул топширилди. Хусусийлаштирилган корхоналарга бир неча марта имтиёзлар берилди. Булар жумласига сотиб олишда нархни пасайтириш, улар учун бирмунча қулай солиқ режимини ва умуман хўжалик муҳитини вужудга келтириш киради. Республикада Тадбиркорликни ривожлантириш жамғармаси, Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси ташкил қилинди. Якка хўжаликларни, кооперативларни ва кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун "Тадбиркор" тижорат банки тузилди. Давлат уларга кенг қўламда молиявий мадад берди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш учунгина Вазирлар Маҳкамасининг захирасидан ярим миллиард сўм маблағ ажратилди.

Авваламбор, бу гап молия-кредит тизимига тааллуқлидир. Республика бюджети энг асосий, ҳаётий муҳим вазифаларни бажаришни пул билан таъминлаб турди. Биз даромадга қараб буромад қабилида иш тутишни, маблағга яраша яшашни ўрганиб олдик. Натижада давлат бюджети

даромадлари харажатлардан оширилган ҳолда ижро этилаяпти.³

Пухта ўйланган бюджет ва пул-кредит сиёсати, халқ хўжалигини тартибга солиш воситаларининг давлат қўлида сақланиб қолиши ташқи салбий жараёнларнинг иқтисодиётга таъсирини камайтириш имконини берди. Иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг дастлабки белгилари пайдо бўлди.⁴

Ялпи ички маҳсулотларнинг пасайиш суръатлари 1992 йилги 9,6 фоиздан шу йилнинг биринчи ярмида 3 фоизгача, саноат ишлаб чиқаришда эса 6 фоиздан 2 фоизгача тушди. Июль ойида саноат маҳсулотининг ҳажми ўтган йилнинг июль ойига нисбатан, таққослама нархларда, деярли 11 фоиз ошди.

Қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулотнинг ҳажми ўтган йилнинг шу давридаги даражадан ошиб кетди.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 12 фоиздан зиёдроқ кўпайди. Ун, макарон маҳсулотлари, ёрма, мол ёғи, ип-газлама ва жун газламалар, бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ошди.

Саноатимизда самарали ўзгаришлар ҳақида гапирар эканмиз, шунинг таъкидлашимиз зарурки, агар аввал бошданок халқ хўжалиги таркибини такомиллаштириш бўйича қатъий чоралар кўрилмаганда, уни барқарорлаштириб бўлмас эди.

Республика иқтисодиётида амалга оширилаётган илғор таркибий ўзгаришлар стратегик жиҳатдан муҳим мақсадни ҳал қилишга имкон беради. Натижада ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида тайёр маҳсулотнинг улуши 1990 йилги 40 фоиздан ҳозир 61 фоизга кўпайди.

Пахта толасини ўзимизда қайта ишлаш ҳам анча ошди. Ўзимизда қайта ишланаётган тола 10 фоиздан 16,5 фоизга, мис 13 фоиздан 20 фоизга етди. Республикаимизнинг ўзида қайта ишланган мева, сабзавот, бошқа қишлоқ хўжалик хом ашёсининг ҳажми кескин кўпайди.

Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган ва аҳоли истеъмол қилаётган товарлар улуши 60 фоиздан 80 фоизгача ошди.

Мудофаа тармоқларида тайёрланаётган буюмларнинг ўзгартирилиши ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар улушини оширишда муайян рол ўйнади. "Алгоритм", радиоэлектрон аппаратлар заводларида, "Восток", "Ўзэлектроаппарат", "Ўзэлектрокабель" бирлашмаларида ва бошқа корхоналарда аграр сектор учун техника, телевизорлар, радиоприёмниклар, видеомагнитофонлар, хилма-хил электр хўжалик ускуналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. "ИЛ-114" самолётини кўплаб ишлаб чиқариш

5. ³Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабрь.

6.

7. ⁴Йўлдошев Ж. Таълимимиз истиқлоли йўлида. – Тошкент: Шарқ, 1996.

8.

ўзлаштириляпти.

Иқтисодий стратегиянинг устувор йўналишлари орасида сизлар билан биз асосий тармоқларни ва аввало ёқилғи энергетика комплексини жадал ривожлантиришни белгилаб олдик.

Кўрилган чора-тадбирлар нефть ва газ қазиб чиқариш пасайишига йўл қўймаган ҳолда тармоқни ривожлантириш суръатларини ошириш имконини ҳам берди. Ваҳоланки, шу даврнинг ўзидаёқ Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг кўпгина мамлакатларида ишлаб чиқариш суръатлари кескин пасайиб кетди.

Бу йил 44 миллиард кубометр табиий газ, 4 миллион тонна нефть ва газ конденсати ишлаб чиқарилади, 1995 йилга бориб табиий газ 50 миллиард кубометргача, нефть ва газ конденсати 8 миллион тоннагача кўпайиши керак.

Шу мақсадда ноёб Кўкдумалоқ газ, нефть ва газ конденсати конини жадаллик билан ўзлаштириш борасида кенг миқёсли ишлар авж олдириб юборилди. Мингбулоқ нефть конини қўшимча разведка қилиш ишлари олиб борилаяпти.

Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманида ҳозирдаёқ янги нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши учун майдон танлаб қўйилди. Мавжуд қувватларга қўшимча равишда шу заводнинг ишга туширилиши республиканинг нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш имконини беради ва ҳатто уларни экспорт қилишни таъминлайди.

Навоий кон-металлургия комбинатининг, янги Ангрен ва Толлимаржон ГРЭСларининг, Муборак газни қайта ишлаш заводининг иккинчи ва учинчи навбатлари қурилаяпти. Бу қурилишлар республиканинг иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Қизилқум фосфорит комбинати қурилиши бошланди. Уни ишга тушириш кимё саноати учун четдан олиб келинадиган хом ашёдан воз кечиш имконини беради.

Бозорнинг шаклланиши коммуникация шохобчаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни талаб қилади. Улар товарлар ҳаракатининг энг муҳим ҳаётий йўллари, ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларни бирлаштирувчи ишончли воситалар ҳисобланади.

Шунинг учун биз транспорт қурилишига, ишлаб турган магистралларни техника билан қайта қуроллантиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Фақат кейинги икки йил ичида 150 км дан ортиқ, яъни аввалги 10 йил ичида қанча бўлса деярли шунча темир йўл линияси электрлаштирилди. Ховос - Қўқон, Ховос - Жиззах - Суперфосфат участкаларида электровозда юк ташишга ўтиш ишлари олиб борилмоқда. Навоий - Учқудуқ ва Султонвайстоғ - Нукус темир йўл линияларини қайта қуриш, янги Учқудуқ - Султонвайстоғ линиялари қуриш ва уларни электрлаштириш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу линиялар ишга туширилиши билан Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятига транспорт хизмати кўрсатиш анча яхшиланади. Хоразм вилояти республиканинг ягона темир йўл тармоғига бевосита боғланади.

Аҳолини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш мақсадида республикамиз ҳудудида ўтган икки йил мобайнида 21 минг километрдан ортиқ водопровод ва газ тармоқлари ишга туширилди, яъни шу икки йил

ичида олдинги, тахминан 10 йил давомида қилинган иш бажарилди.

Мустақиллик учун курашнинг бошиданок республикада пахта яккаҳокимлигини бартараф этиш ва экин майдонлари таркибини такомиллаштириш йўлидан борилди. Бундан мақсад Ўзбекистоннинг энг муҳим озиқ-овқат ресурслари билан ўзини ўзи таъминлашига эришиш эди.

Натижада донли экинлар майдони 300 минг гектарга кенгайтирилди. Голландча технологиядан фойдаланиб, картошка экиладиган майдонлар кўпайтирилди.

Қанд лавлаги майдонларини кенгайтириш ва бир қанча заводлар куриш яқин йиллар ичида 20 минг тонна қанд-шакар ишлаб чиқариш, 1997 йилга бориб эса унинг ҳажмини 125 минг тоннага етказиш имкониятини беради.

Энг муҳими эса бўшаб қолган ерлар томорқа участкаларини кенгайтириш учун берилди. Фермер хўжаликларини ташкил қилиш эса аграр секторда йирик иқтисодий ислохотларни бошлаб берди. Ҳозирги вақтда 53 минг гектардан кўпроқ майдонда 5300 мустақил деҳқон хўжаликлари ишлаб турибди.

Зарар кўраётган ва паст рентабелли давлат хўжаликлари мулкчиликнинг жамоа ва хўжалик юритишнинг бошқа шаклларига босқичма-босқич ўтказиляпти. 640 давлат хўжалигидан 280 таси жамоа хўжалиги, 280 таси кооператив, 70 таси ижара корхоналари бўлиб қолди.

Жамоат чорвачилиги ходимларининг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини ошириш мақсадида фермалар уларнинг меҳнат жамоаларига мулк қилиб берилаяпти. Ўзгартирилиши мўлжалланган 610 та фермадан 565 таси ёки 93 фоизи жамоа мулки қилиб топширилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш ўсмокда. Бу - ерлар шахсий ёрдамчи хўжаликларга ўз вақтида ажратиб берилганлигининг, қишлоқда фермерлик ва бошқа бозор шакллари ривожланиб бораётганлигининг натижасидир.

Умуман етиштирилаётган гўштнинг умумий ҳажмида нодавлат секторнинг улуши 78 фоизни, сут - 91, тухум - 46, дон - 48, картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари деярли 80-85 фоизни ташкил этаяпти.

Ер тақсимлаб берилганлиги қишлоқда ишчи кучининг жуда кўплиги билан боғлиқ кескинликни юмшатди. Қишлоқ меҳнаткашларининг даромадлари ўсишига кўмаклашди.

Биз янги ерларни ўзлаштириш қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш соҳасини кенгайтиришда жуда муҳим роль ўйнайди деб ҳисоблаймиз. 1,5 йил ичида 22 минг гектардан кўпроқ янги ер фойдаланишга топширилди. 57 минг гектар майдонда қадимдан суғориб келинган экинзорларни ҳар томонлама янгилаш ишлари бажарилди.

Республика иқтисодиётининг мустаҳкамланиши экспорт қувватини оширишда бир қанча олға силжишларни таъминлаш имкониятини яратди. Техника соҳасидаги сиёсатни амалга ошириш жаҳон бозорида рақобатга қодир машинасозлик саноати маҳсулотининг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконини берди.

Бу сиёсат ишлаб чиқариш базаси янгиланиб туришини жадаллаштиришга,

янги технологияларни жорий этишга қаратилган. Компрессор станциялари, ⁵кўприксимон кранлар, юк ортиш механизмлари, трансформаторлар, металл қирқиш асбобларининг янги турлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Енгил ва маҳаллий саноат корхоналарини куриш ҳамда уларни қайта жиҳозлаш борасида кенг миқёсдаги ишлар бошлаб юборилди.

Мева-сабзавот тармоғида биринчи марта Андижон вилоятидаги Куйганёр консерва заводида жаҳон талаблари даражасида томатпаста, Самарқанддаги тажриба консерва заводида сифатли олма шарбати ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Хом ашё ресурсларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, экспорт қувватини ошириш борасидаги чора-тадбирлар ташқи алоқаларимизнинг структурасини жиддий равишда яхшилашга олиб келди. Олиб кетилаётган маҳсулотлар орасида тайёр маҳсулотнинг улуши 1990 йилга нисбатан 30 фоиздан 43 фоизгача кўпайди.

Экспортга маҳсулот етказиб беришни кўпайтиришга алоҳида эътибор бериляпти. Бу йил экспорт ҳажми салкам бир ярим миллиард долларни ташкил қилади. 1991 йилда 677 миллион долларни ташкил қилган эди.

Экспорт таркибини жиддий яхшилаш лозим бўлади. Пахта билан эмас, балки тайёр маҳсулот билан савдо қилишга интиломқ керак. Маърифатли мамлакатларнинг ҳаммаси шундай қилади. Валюта ишлаб топиш, шу жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги мамлакатлардан валюта ишлаб топиш зарур.

Шу йилнинг ўзидаёқ, пахта толасининг экспортдаги улуши 82 фоиздан 51 фоизгача қисқаради. Машиналар, ускуналар ва транспорт воситаларининг улуши 2 фоиздан 14 фоизгача, халқ истеъмол қиладиган саноат молларининг улуши 9 фоизгача кўпаяди.

Ҳозир Ўзбекистон валютани ўзи ишлаб топмоқда. Ишлаб топганда ҳам ақл-фаросат билан пухта ўйлаб топаяпти. Агар биз илгари ҳар бир фирмага "ёпишиб" олган бўлсак, эндиликда биз тендер эълон қилиш, шартномаларнинг энг кўп наф келтирадиган шартларини танлаб олиш имкониятига эгамиз.

Биз дунё бўйлаб қўл чўзиб тиланчилик қилаётганимиз йўқ, балки ўзаро манфаатли ҳамкорликни ташкил қилишга интилаяпмиз.

Экспорт маҳсулотларининг 80 фоизга яқини бугунги кунда Бельгия, Буюк Британия, Индонезия, Нидерландия, Корея Республикаси, АҚШ, Финландия, Швейцарияга етказиб бериляпти.

9. ⁵Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги "2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади" мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 282 бет.

2. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг маънавият масалаларига эътибори

Инсон маънавий дунёси - нозик соҳа. Ундаги вазиятни осонликча, муайян фармон ёки қарор қабул қилиш билан тузатиб бўлмайди. Уни ўнглаш учун йиллар давомида мунтазам ва сабр-тоқат билан мафкуравий, тарбиявий, маърифий иш олиб бориш, амалий чора-тадбирлар, ҳаётий ўзгаришлар жорий этиш тақозо қилинади.

Миллий маънавият миллатнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини қамрайди, уларни яхлит тизимда тутиб туради. Ўтмиш аجدодларимиз мероси бугунги жаҳон даражаси билан уйғунлаштирилса, мамлакатимиздаги воқе аҳволга татбиқ этилса, ундан келажак куртаклари униб чиқади, келажак сиймоси шаклланади.

Шу сабабли ҳам И.А.Каримов Ўзбекистон Президенти лавозимига сайланган дастлабки кунлардан бери халқ маънавиятини юксалтиришга биринчи даражали эътибор қаратиб келмоқда.

Миллий мустақиллигимизнинг иккинчи йилида Президент “Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли” рисоласини эълон қилди. Ушбу китобнинг алоҳида боби “Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари” деб номланди ва унда илк бор халқ маънавиятини ривожлантириш масалалари батафсил таҳлил этилди.⁶

1995 йил феврал ойида Ўзбекистон республикаси биринчи чақирик Олий мажлисининг биринчи йиғилишида Президент И.А.Каримов “Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари” мавзуида катта маъруза қилиб, мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ривожига оид муҳим масалалар билан бир қаторда миллатнинг маънавий такомили йўналишида ҳам янгича ёндошувлар, долзарб муаммоларнинг пухта ўйланган ечимларини халқ намояндалари муҳокамасига ҳавола этди. Унда, аввало, 130 йиллик мустамлака асоратидан қутулиб, қайта қад ростлаган мустақил давлатчилигимизнинг бетакрор қиёфаси очиб берилди. Унинг халқимиз, миллатимиз “тарихий ва маънавий тараққиётининг” самараси, “ўзига хос, ўзига мос маданияти ривожининг” натижаси эканлиги қайд этилди⁷. “Социализм” ғояларининг халқимиз ҳаётига четдан зўравонлик билан жорий этилгани, улар халқимизни манкуртлаштириш учун хизмат қилгани очиқ айтилди. Президент маърузанинг “Юксак маънавият - келажак пойдевори”⁸ деб номланган фаслида мустақилликнинг дастлабки тўрт йилида бу соҳада эришган ютуқларни тилга олиш баробарида келажак йўналишларни ҳам батафсил таҳлил этиб берди. “Эндиги асосий вазифа,-деб фикрини изҳор этди юртбошимиз,-кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига

⁶ Каримов И.А. Асарлар. 1-жилд, с. 76-85.

⁷ Каримов И.А. Асарлар. 3-жилд, с. 6.

⁸ Ўша китоб, с. 33-42.

ишончининг орта боришидир”⁹. Бунинг учун ҳар биримиз “босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб”, “буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдиэларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак”¹⁰.

Умуман қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг деярли ҳар бир нуткида маънавият масаласига эътибор қаратилади, ҳар бир асарида маънавият масалаларига оид муҳим фикрлар, янгича ғоялар олға сурилган. 2008 йили “Маънавият” нашриётидан Ўзбекистон Президентининг Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли маънавият масалаларига бағишланган алоҳида рисоласи босилиб чиқди. Китоб 4 бобдан иборат бўлиб, “Маънавият – инсоннинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир” деб номланган биринчи бобида “маънавият” тушунчаси, маънавиятли ва маънавиятсиз инсонлар, маънавиятни шакллантирувчи мезонлар маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги каби масалалар кенг омма учун тушунарли тилда батафсил баён қилинган¹¹. Китобнинг иккинчи боби “Мустақиллик – маънавий тикланиш ва юксалиш” деб аталган ва унда аввало миллий ғоянинг маънавий ҳаётдаги ўрни, мустақиллик даври жамиятимиздаги миллий-маънавий тикланиш ва юксалиш жараёни, тилимиз ва динимиз, миллий ва диний байрамларимиз мавқеининг қайта тикланиши, ислохотларнинг маънавий аҳамияти ҳақида сўз боради¹².

Учинчи бобга “Маънавиятга таҳдид – ўзимиз ва келажагимизга таҳдид” деб ном қўйилган бўлиб, унда маънавият ва маънавий тарбия масалалари бугунги кунда жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнлари шароитида нақадар долзарбланигани ва энди бу масалалар фақат миллий ҳудудда чегараланиб қолмай умумбашарий муаммога айланаётгани таҳлил этилади¹³. Дунёдаги энг буюк жасорат маънавий жасоратдир, деб хулоса қилади И.Каримов “Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори” деб номланган охириги бобда¹⁴. Президентнинг чуқур ишончига кўра маънавий тарбиянинг ибтидоси ҳар бир инсон қалбига қулоқ тутиш ва кўнглига йўл топишдан бошланади ва бу соҳада зиёлиларимизнинг ўрни ва масъулияти ўта муҳимдир.

III-боб: И.А.Каримовнинг маърузаларида бугунги кун умумбашарий

⁹ Ўша китоб, с. 34.

¹⁰ Ўша китоб, с. 7.

¹¹ Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008. С.18-70.

¹² Шу китоб, с. 71-109.

¹³ Шу китоб, с. 110-127.

¹⁴ Шу китоб, с. 159.

муаммоларига муносабати ва борлик ҳақиқатига янги ёндашувларнинг намоён бўлиши.

1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари

Тошкент, 2009 йил март. Аввало, жаҳон молиявий инқирози ҳақида. Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва аксияларнинг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Ҳозирги вақтда бир қатор етакчи таҳлил ва экспертлик марказлари глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида қуйидаги хулосаларга келмоқда.

Биринчидан, молия-банк тизимидаги инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, ретсессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талафотлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдиғини топмоқда. Иккинчидан, авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Айни вақтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат ёъқлигини ҳам тасдиқлади.

Учинчидан, молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан бир қанча омиллардан келиб чиқади. Яъни, бу аввало, ана шу давлатнинг молия-валюта тизими нечоғлиқ мустаҳкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги (тўлов имконига), уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканига, шунингдек, олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард натижада — мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатга бардошлик даражасига боғлиқ.

Тўртинчидан, жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чоратадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ.

2008 йил ноябр ойида Вашингтонда, жаҳон ялпи маҳсулотининг 85 фоизини ишлаб чиқарадиган 20 та йирик давлат иштирокида бўлиб ўтган саммит глобал молиявий инқирознинг кўлами тобора кенгайиб бораётганини тасдиқлади. Ушбу саммитда бўлиб ўтган муҳокамалар шуни кўрсатдики, бугун жаҳон молиявий инқирозининг олдини олиш ҳақида сўз бораётгани ёъқ, балки ундан қандай қилиб чиқиш ёъллари изланмоқда, холос. Яъни, бу масалада вазият шу даражага етдики, энди аввалги марраларга қайтиш¹⁵ ҳақида сўз юритишга асос ёъқ. Муҳокамаларда инқирозни келтириб чиқарган сабаблар таҳлили бўйича саммит иштирокчиларининг ягона ёндашувга эга эмаслиги, шу боис ушбу глобал молиявий инқирознинг жиддий ва узоқ давом этадиган оқибатларини бартараф этиш юзасидан умумий ва самарали дастур ишлаб чиқиш ҳақида гапиришга хали эрта экани аён бўлди.

Шу билан бирга, мазкур саммитнинг бўлиб ўтгани, унда жаҳон молия инқирози билан боғлиқ муаммолар ва вужудга келган вазият муҳокама қилинганининг ўзи умид уйғотадиган ижобий ҳол экани шубҳасиз. Жаҳон молиявий инқирозининг ҳар бир мамлакатга таъсири, ундан кўриладиган зарарнинг даражаси ва кўлами биринчи навбатда шу давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлиқ барқарор ва ишончли эканига, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучли эканига боғлиқлигини исботлашга ҳожат ёъқ, деб ўйлайман. Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислохот ва модернизатсия модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини кўяр эканмиз, энг аввало, "шок терапияси" деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик. Маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни, "Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг" деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, ислохотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш ёълари танладик. Енг муҳими, парокандалик ва бошбошдоқлик таъсирига тушиб қолмаслик учун ўтиш даврида айнан давлат

1. ¹⁵Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузаси. — "Халқ сўзи" газетаси.

бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини биз ўзимизга аниқ белгилаб олдик. Мамлакатимизнинг узоқ ва давомли манфаатлари тақозо этган ҳолатларда ва кескин вазиятлардан чиқиш, улар туғдирадиган муаммоларни ҳал этиш зарур бўлганда иқтисодиётда давлат томонидан бошқарув усуллари қўлланди ва бундай ёндашув охир-оқибатда ўзини тўла оқлади. Шу ўринда Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганини ва зарур ресурслар базаси мавжуд эканини таъкидлаш жоиз. Албатта, иш ўринлари сонини кўпайтиришда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ва кенгайтириш муҳим ўрин тутди. 2008 йили алоқа, ахборотлаштириш, молия, банк, транспорт хизмати кўрсатиш, маиший техника ва автомобилларни таъмирлаш соҳалари анча юқори суръатлар билан ривожланди. Сўнгги тўрт йил мобайнида йилига ўртача 50 фоиз ўсишни таъминлаётган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида хизмат кўрсатиш жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Натижада хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 42,5 фоиздан 2008 йилда 45,3 фоизга ўсди. Айни пайтда қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар ҳажми йилдан-йилга ўсиб бораётганига қарамай, ҳали-бери паст даражада — бор-ёғи 26,8 фоиз бўлиб қолаётганига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айтиш керакки, аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ҳам талаб даражасида эмас. Бугунги босқичда касаначилик соҳаси бандлик ва оила бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча манбаига айланиб бораётганини ҳеч ким инкор этолмайди. Айни вақтда касаначилик фуқароларни, биринчи навбатда, хотин-қизлар, айниқса, кўп болали аёлларни, ёрдамга муҳтож ногиронлар ва меҳнат қobiliяти чекланган бошқа шахсларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш учун муҳим ижтимоий аҳамият касб этмоқда. Инқирозга қарши чоралар дастурининг конкрет бўлимлари — белгиланган комплекс чора-тадбирлар қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этишга қаратилган.¹⁶

Биринчидан — корхоналарни модернизатсия қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа авваламбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга ёъналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир. Бу ўринда ишлаб чиқаришни модернизатсия қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш вазифаси қўйилмоқда.

3. ¹⁶Ахборот-коммуникация технологиялари. Изохли луғат –Т.: БМТТДнинг Ўзбекистон ваколатхонаси, 2010.

Ўз навбатида, бу мамлакатимизнинг ҳам ташқи, ҳам ички бозорда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлаш имконини беради.

Иккинчидан — жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш, хусусан:

— айланма маблағларини тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

— тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвеститсия иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан — қўшимча қиймат солиғи бундан мустасно — озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш;

— банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясидан кечиш ва бошқа муҳим имтиёз ва преференсиялар бериш.

Учинчидан — қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш. Шу мақсадда 2008 йили хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги таклифлари маъқулланганини қайд этиш лозим.

Шунингдек, таннархни камайтириш бўйича белгиланган параметрларга эришиш учун раҳбар ва масъул ходимларни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, Инқирозга қарши чоралар дастурида 2009 йилда барча турдаги энергия манбалари ва коммунал хизматларнинг асосий турлари бўйича нархларнинг кўтарилишини чеклаш, яъни уларни 6—8 фоиздан оширмаслик механизми ишлаб чиқилган. Айни вақтда бу соҳаларнинг ишлаб чиқариш рентабеллигини сўзсиз таъминлаши керак.

Тўртинчидан — электроэнергетика тизимини модернизатсия қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш. Иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини янада кучайтириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш кўп жиҳатдан бизнинг мавжуд ресурслардан, биринчи навбатда, электр ва энергия ресурсларидан қанчалик тежамли фойдалана олишимизга боғлиқдир.

2. Президент Ислон Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағъишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

Президентимиз Ислон Каримов 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағъишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида энг аввало кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган ўзгаришлар ва турли салбий тенденцияларни атрофлича таҳлил этиб берди. Юртбошимиз бу борада дунёдаги таниқли иқтисодчилар, нуфузли эксперт ва мутахассисларнинг баҳолари ва чиқараётган хулосалари принципиал жиҳатдан ягона бир фикрга келаётгани, жумладан, жаҳон иқтисодиётига, биринчи навбатда, ривожланган йирик мамлакатлар иқтисодиётига 2008йилда бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳали-бери салбий таъсир кўрсатаётганини таъкидлаб ўтди.

Маълумки, ўзининг салбий таъсири билан инсониятга жиддий ташвишлар туғдираётган, жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланишини издан чиқараётган молиявий-иқтисодий инқироз ўтган асрнинг сўнгги чорагидан эътиборан ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги мутаносибликлар, хусусан реал ва молиявий сектор ўртасидаги нисбатнинг бузилиши оқибатида вужудга кела бошлади.

Жаҳон иқтисодиётига, биринчи навбатда, ривожланган йирик мамлакатлар иқтисодиётига 2008 йилда бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳали-бери салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ислон Каримов

Бу мамлакатлардаги йирик молиявий муассасалар томонидан ўзининг корпоратив манфаатларини амалга ошириш мақсадида банк-молия соҳасидаги меъёр ва тартибларнинг кўпол тарзда бузилиши, жаҳондаги кўплаб давлатларнинг реал активларидан спекулятив тарзда фойдаланиш орқали катта даромад олишга интилиш ва шу тариқа глобал молиявий архитектурада жиддий нуқсонларга йўл қўйилиши, миллий иқтисодиётдаги ялпи талабни қўллаб-қувватлаш, тобора ўсиб бораётган ташқи қарзларни чеклаш учун “арзон пуллар” сиёсатининг қўлланиши каби хатти-ҳаракатлар юзага келаётган номутаносибликларнинг янада кучайиши ва борган сари кескин, муқаррар равишда инқироз ҳолатини келтириб чиқарадиган даражада тус олишига сабаб бўлди.

Айниқса, молиявий маблағлардан спекулятив мақсадларда фойдаланишда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидаги молиявий муассасалар билан бир қаторда аҳолининг ҳам ипотекали кредитлаш тизими орқали кенг жалб қилиниши мазкур жараёнларнинг жадаллашувига ва охир-оқибатда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг бошланишига сабаб бўлди.

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарларида биринчилардан бўлиб бу жараённинг юзага келиши сабабларини қуйидаги тарзда кенг асослаб берди: “Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди.

Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди»¹⁷.

Президентимиз жаҳон молиявий инқирози рўй берган дастлабки палладаёқ унинг таъсир даражаси, кўлами ва келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатларига етарли баҳо бериб, “жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора- тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ”¹⁸, деб хулоса чиқарган эди.

Бундай ҳаққоний хулосалар асосида Ўзбекистонда 2008 йилнинг ўзида Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилиб, унда белгиланган тадбирларни изчил равишда амалга оширишга киришилди.

Жаҳоннинг етакчи ривожланган мамлакатлари ҳам инқирознинг олдини олиш, унинг таъсир даражасини пасайтириш борасида турли кўриниш ва кўламлардаги ҳаракатларни бошлаб юборди. Ушбу чора-тадбирларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш мақсадида жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг “Катта саккизлик” ва “Катта йигирмалик” гуруҳлари доирасида бир неча бор саммитлар ўтказилди.

Ўтган давр мобайнида аҳволни яхшилаш мақсадида кўрилатган барча чора-тадбирларга қарамадан, аксарият давлатларда ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқаришнинг амалда пасайиши кузатилмоқда ва бундай жараён давом этадиган бўлса, у глобал миқёсда рецессия ҳолатига, яъни иқтисодиётнинг ўсиш ўрнига давомли равишда пасайиб боришига олиб келиши мумкинлиги башорат қилинмоқда.

Ислом Каримов

¹⁷Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 4-б.

¹⁸Ўша манба, 6-б.


Маълумот ўрнида!

“Катта йигирмалик” гуруҳи (G-20) расман 1999 йилда глобал иқтисодиётдаги асосий муаммоларни муҳокама қилиш мақсадида таъкил этилган. Ушбу гуруҳ таркибига ялпи ички маҳсулоти ҳажми жаҳон ялпи ички маҳсулотнинг 90 фоизини таъкил этадиган қуйидаги 20 та ривожланган ва ривожланаётган йирик давлат киради: Аргентина, Австралия, Бразилия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Индонезия, Италия, Канада, Мексика, Хитой, Россия, Саудия Арабистони, АҚШ, Туркия, Франция, ЖАР, Жанубий Корея, Япония, Европа Иттифоқи.

“Катта йигирмалик” гуруҳи фаолияти жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози рўй бериши муносабати билан янада фаоллашди. Хусусан, гуруҳ томонидан инқирозга қарши курашиш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва бу борадаги муаммоларни биргаликда ҳал этиш мақсадида бир неча саммит ўтказилди:

- АҚШ (Вашингтон, 2008 йил ноябрь; Питтсбург, 2009 йил сентябрь);
- Буюк Британия (Лондон, 2009 йил апрель);
- Канада (Торонто, 2010 йил июнь);
- Жанубий Корея (Сеул, 2010 йил ноябрь);
- Франция (Канн, 2011 йил ноябрь).

“Катта йигирмалик” гуруҳининг навбатдаги саммитлари 2012 йил июнь ойида Мексикада, 2013 йили Россияда, 2014 йили Австралияда, 2015 йилда эса Туркияда ўтказилиши режалаштирилмоқда.



*Изоҳ: 2012 йил учун прогноз маълумотлари. Айрим ривожланган мамлакатларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари (олдинги йилга нисбатан фоизда).

Айрим мамлакатларда 2011 йил якунида давлат бюджети тақчиллиги даражаси.

Бундай чора-тадбирлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: мамлакатнинг олтин-валюта захираси ҳисобидан қарзларни тўлаб бориш; кредиторларнинг қарз тўлов муддатларини ўзгартиришлари, айрим ҳолларда уларнинг маълум қисмидан воз кечишларига эришиш; қарзларни мамлакатдаги кўчмас мулк, қимматли қоғозлар, капиталда иштирок этиш ва

бошқа ҳуқуқларни сотиш ҳисобидан тўлаш; халқаро банклар ва бошқа молиявий ташкилотлардан ёрдам олиш ва ҳ.к.

Ҳозирги вақтда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi таъсирида, аксарият мамлакатларнинг ташқи қарзи ҳаддан ташқари ошиб кетаётганлигини кузатиш мумкин

**Ривожланган мамлакатларда ташқи қарз даражаси
(2011 йил 30 июндаги ҳолати)**

Мамлакат	Ташқи қарз, миллион АҚШ долл.	Аҳоли жон бошига ташқи қарз миқдори, АҚШ долл.	ЯИМга нисбатан ташқи қарз, фоиз
Европа Иттифоқи	16080000	32092	108
АҚШ*	15033607	50000	100
Буюк Британия	9836000	147060	416
Германия	5624000	63493	159
Франция	5633000	74410	188
Япония	2719000	19300	57
Испания	2570000	52588	165
Италия	2684000	39234	101
Ирландия	2357000	482340	1307,6

***Изоҳ: АҚШ бўйича маълумот 2011 йил 18 ноябрдаги ҳолати бўйича берилган.**

Жадвалдан кўринадик, ташқи қарз даражасининг Ирландияда 1307,6 фоиз, Буюк Британияда 416 фоиз, Францияда 188 фоиз ва бошқа кўплаб мамлакатларда йиллик ЯИМ ҳажмидан сезиларли даражада юқори бўлиши мазкур мамлакатларнинг молия соҳасида жиддий муаммолар мавжудлигини англатади.

**Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида
ўсиш динамикаси, фоизда.**

Расмдан кўринадик, агар мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръатлари 2000-2003 йилларда 3,8-4,2 фоиз, 2004-2006 йилларда 7-7,3 фоиз, 2007-2008 йилларда эса 9-9,5 фоиз даражасида кузатилган бўлса, кейинги йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi мазкур кўрсаткичга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бироқ, юқорида таъкидлаб ўтилган омиллар орқали мамлакатимизда 2009-2011 йилларда ҳам ЯИМнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатлари сақланиб қолмоқда.




Мамлакатимиз ЯИМ ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодиётдаги етакчи тармоқларнинг юқори ўсиш суръатлари мустаҳкам замин тайёрламоқда. Жумладан, 2011 йилда саноат ишлаб чиқариши 6,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,6 фоиз, чакана савдо айланмаси 16,4 фоиз ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 16,1 фоизга барқарор юқори суръатлар билан ўсди

Банклар томонидан жалб қилинган жами депозитлар ҳажми йил бошига нисбатан 36,3 фоизга ошиб, 2012 йил 1 январь ҳолати бўйича 18 триллион сўмни ташкил этди. Банклардаги омонатлар ҳажмининг ошишида аҳоли реал даромадларининг ўсиши ҳамда банк тизимининг барқарорлиги асосий омил бўлгани ҳолда, банклардаги омонатларнинг тўлиқ қайтарилиши давлат томонидан кафолатлангани ва улардан олинадиган фоиз даромадлари солиқдан озод этилгани банк депозитларини қулай, хавф-хатарсиз ва барқарор даромадли молиявий инструментга айлантирди.

Аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, ҳозирги вақтда тижорат банклари томонидан 400 дан ортиқ жозибадор омонат турлари таклиф этилмоқда.

Натижада аҳолининг банклардаги пул маблағлари қолдиғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,7 триллион сўмга ёки 1,4 баробар ортиб, 2012 йил 1 январь ҳолатига кўра, 6,2 триллион сўмга етди.



Шунингдек, банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида банклар томонидан узоқ муддатли облигация ва депозит сертификатларининг муомалага чиқарилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2011 йилда тижорат банклари томонидан 204 миллиард сўмлик узоқ муддатли облигациялар инвесторлар ўртасида жойлаштирилган бўлса, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида жойлаштирилган банк депозит сертификатлари ҳажми 427 миллиард сўмни ташкил қилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва бароқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устивор йўналишлари тўғрисида”ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли қарорида ҳам тижорат банкларининг депозит сиёсати билан боғлиқ алоҳида вазифалар белгилан бўлиб, унда омонатчилар учун кафолатларни кучайтириш ҳамда аҳоли ва хорижий инвесторларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, янги жозибадор омонат ва депозитлар турларини жорий қилган ҳолда, аҳоли ва хўжалик субъектларининг




бўш пул маблағларини банк айланмасига кенг жалб қилиш бўйича тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш, кўрсатилаётган банк хизматлари кўламини кенгайтириш борасидаги вазифалар белгилаб берилган.

2008 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» ПФ-4053-сонли Фармони, 2009 йил 19 ноябрда эса «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги» Ф-4010-сонли Фармойиши қабул қилинди. Бу муҳим ҳужжатлар банкрот корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш учун банклар томонидан қўшимча инвестиция киритиш, ана шундай корхоналарни молиявий соғломлаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва замонавий бошқарув усуллари татбиқ этиш, шунингдек, иш ўринларини қайта тиклаш ва янги иш ўринларини яратишни кўзда тутади.

Фермер хўжаликлари техника воситаларини имтиёзли шартлар бўйича лизинг асосида харид қилиши учун техника бошланғич нархининг 15 фоизини тўлаб, қолган 85 фоизини 10 йил муддат ичида тўлаш имкониятига эга бўлди. Бунда лизингдан фойдалангани учун йиллик фоиз тўловлари Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошмайдиган қилиб белгиланди.

Аграр соҳада амалга оширилаётган **нарх ислоҳоти** қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нарх белгилашда эркин бозор муносабатларини босқичма-босқич жорий этишга йўналтирилди.





Оиланинг таълим-тарбия

муассасалари, жумладан, мактабгача

тарбия муассасалари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари (лицей ва коллежлар), олий ўқув юртлари билан амалий ҳамкорлигини янада кучайтириш вазифалари Давлат дастуридан муҳим жой эгаллаган. Чунки халқимиз орасида қарор топган азалий қадриятларни асраб-авайлашда, маънавий ҳаётни юксалтиришда, жамиятда инсоний

фазилатларни кенг қарор топтиришда, бизнинг миллий табиатимиз ва урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган ҳар қандай зарарли, бузғунчи ғоя ва таъсирларга қарши туришда оила ва таълим-тарбия муассасалари мустаҳкам таянч вазифасини ўтайди. Бу – Ўзбекистон Конституциясининг ХИВ боби бўлиб, у “Оила” деб номланган. Мазкур боб 4 та – 63–66-моддаларни ўз ичига олади¹⁹. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида



¹⁹1978 йилнинг 19 апрелида қабул қилинган Ўзбекистон ССРнинг Конституциясида оила масаласига фақат битта – 51-модда бағишланган эди. 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида эса никоҳ ва оила масалаларига тўртта модданинг бағишланиши давлат томонидан оилага қанчалик эътибор қаратилганлигини кўрсатади. Конституцияга эга бўлган давлатларнинг

қуйидаги ғоят муҳим юридик норма белгилаб қўйилган: **“Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.**




Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади”.

Оилавий муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги тамойиллари асосида амалга оширилади.

Барча фуқаролар оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқларга эгадирлар. Никоҳ тузиш чоғида жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи ҳамда бошқа ҳолатларга қараб, ҳуқуқларни муайян тарзда бевосита ёки билвосита чеклашга, бевосита ёки билвосита афзалликлар белгилашга ҳамда оилавий муносабатларга аралашишга йўл қўйилмайди.

Оилавий муносабатларда фуқароларнинг ҳуқуқлари фақат қонунга асосан ва фақат оиладаги бошқа аъзоларнинг ҳамда ўзга фуқароларнинг ахлоқи, шаъни, кадр-қиммати, соғлиғи, ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида зарур меъёргагина чекланиши мумкин.²⁰

Никоҳ тузиш ихтиёрийдир. Никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланади.



Ўзбекистон Конституциясининг 64-моддасида ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар ҳамда давлатнинг болаларга нисбатан ғамхўрлиги тартибга солинган:

“Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

барчасида Конституция мамлакатнинг бош – Асосий Қонуни саналиб, унда давлат ва жамият ҳаётининг ўта муҳим масалалари тартибга солинади, бошқа ҳеч бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг унга зид келиши мумкин эмаслиги алоҳида белгилаб қўйилади (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 16-моддасининг 2-қисми мазмунида).

5. ²⁰Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008.

Хулоса:

Хулоса ўрнида шуни айтишим керакки, мамлакатимиз инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари юксак қадрият бўлган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамият барпо этиш йўлидан изчил ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари ўртасидаги мутаносибликнинг кучайиши ҳамда барқарор ўсиш суръатларининг таъминланиши натижасида аҳоли даромадлари, турмуш даражасининг сезиларли равишда ошиши эртанги кунга бўлган ишончимизнинг тобора мустаҳкамланиб боришига замин яратмоқда.

Юртимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида қўлга киритилаётган юксак натижалар, энг аввало, янгидан-янги замонавий тармоқ ва ишлаб чиқариш қувватларининг йўлга қўйилиши, бунинг таъсирида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг сезиларли даражада ортиб бораётгани, яратилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизмат турларининг кўпайиб, сифатининг тубдан яхшиланиб бориши, бир сўз билан айтганда, иқтисодиётимизнинг янгича мазмун ва моҳият касб этиб боришида мустақил тараққиёт йўлининг тўғри танлангани, амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат стратегиясининг ҳар томонлама пухта асосланган ҳамда халқимизнинг фидокорона меҳнати энг муҳим ва асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу омилларнинг ягона мақсад – юрт тинчлиги ва равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида жамиятимизнинг доимо ҳамжиҳат бўлиб келаётгани ўта мураккаб мустақил тараққиёт йўлини босиб ўтишда нақадар оғир синовлардан муваффақиятли ўтишга имкон яратди. Биргина мисол, 2008 йилда бошланган, бугунги кунга қадар салбий таъсир ва оқибатлари сақланиб қолаётган, кейинги йилларда ривожланган мамлакатларда ўзининг янги “хуружи”ни намоён этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози нафақат айрим мамлакатлар, балки дунёнинг деярли барча қитъаларида иқтисодий сиёсатнинг заиф жиҳатларини, айниқса, банк-молия тизимининг “мўрт” бўғинларини ошкор этиб қўйди. Ана шундай мураккаб бир шароитда мамлакатимиз иқтисодиёти, бизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт моделимиз яна бир бор ҳаёт синовидан муваффақиятли ўтиб, ўзини тўла оқлагани ҳар қандай эътироф ва эътиборга муносибдир.

Ўтган 2011 йил ҳам мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг турли жабҳаларида янги ютуқ ва натижаларга жуда бой бўлди. Президентимиз И.А.Каримов 2012 йилнинг 19 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий ва 2012 йилда Ўзбекистонни

ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида ўтган йил натижаларига атрофлича тўхталиб, жорий йил вазифаларини аниқ-равшан белгилаб берди.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасида жаҳонда эътироф этилган тараққиётнинг ўзбек модели ҳамда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг устувор йўналишларини изчил амалга ошириш натижасида, дунё иқтисодиётида юз бераётган инқироз ҳолатларига қарамасдан, 2011 йилда мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги таъминлангани қайд этилди.

Бу маърузанинг илмий-назарий аҳамияти аввало унда бугунги кунда жаҳон миқёсида кўзга ташланаётган иқтисодий ривожланиш тенденциялари, мавжуд муаммолар, глобал инқироз ҳолатини бартараф этиш бўйича амалда қўлланилаётган чора-тадбирлар чуқур таҳлил этиб берилганида кўринади. Айнан ана шундай ёндашув асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг самарадорлигини таъминлаётган омилларнинг мазму-моҳияти очиб берилади.

Маълумки, юртимизда жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирларига қарши кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Жумладан, Халқаро валюта жамғармасининг 2011 йил ноябр ойида мамлакатимизга келган миссиясининг баёнотида Ўзбекистон изчил ўсишга эришгани ва глобал молиявий инқирозга қарши муваффақиятли чоралар кўраётгани қайд этилди, шунингдек, ўрта муддатли истикболда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари сақланиб қолиши ҳақида ижобий прогноз билдирилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ХИИИ сессиясида сўзланган нутқ, 1993 йил 2 сентябрь
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий ислохотларнинг 2000 йил биринчи ярми якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисидаги маъруза, 2000 йил 21 июль
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – **Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 282 бет.**
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008.
5. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузаси. – “Халқ сўзи” газетаси.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон халқига янги йил табриги. – “Халқ сўзи” газетаси.
7. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлди Ўзбекистон Республикаси И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14 (5434).
8. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси- Т.: Ўзбекистон, 2010.
9. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1998.
10. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабрь.
11. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. – Т.: 19.Т. Ўзбекистон, 2011.

12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
13. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
14. Ахборот-коммуникация технологиялари. Изохли луғат –Т.: БМТТДнинг Ўзбекистон ваколатхонаси, 2010.
15. Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан–Т.:“О`қитувсхи” ХМУЙ, 2011.
16. Давлат статистика қўмитаси Ахборот хизмати.
17. Йўлдошев Ж. Таълимимиз истиқлоли йўлида. – Тошкент: Шарқ, 1996.
18. Каримов Н. Инвестицион фаолиятни қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришдаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари. /Иқтисодиёт ва таълим. 2011 й., 5-сон.

